

Рамазон ойидаги хатми Қуръоннинг кунлик тақсимоти белгиланди



23:12 / 30.03.2022 6000

Бутун мусулмон олами муборак Рамазон ойини муносиб қарши олиш ҳаракатида. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳам бу борада бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Қуръон ва тажвидни ўргатиш» бўлими томонидан 1443/2022 йил Рамазон ойида Тошкент шаҳри масжидларида таровиҳ намозларида ўқиладиган хатми Қуръоннинг кунлик тақсимоти белгиланди. Унга кўра, хатми Қуръон рўзанинг биринчи кунидан бошлаб, 27 сана – Қадр кечасида яқунланиши мўлжалланмоқда.

Қуръон оятларининг кунлик ўқиладиган тартиби юқоридаги инфографикада қайд этилган.

1443/2022 йил Рамазон ойи Тошкент шаҳридаги таровиҳ намозларида ўқиладиган хатми Қуръоннинг кунлик тақсимоти